

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.В.20.04
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

АВАЗМЕТОВА ИНТИЗОР РАЖАПБОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН ШИМОЛИ-ҒАРБИЙ ҚИСМИ ҚУРУҚЛИК
МОЛЛЮСКАЛАРИНИНГ ФАУНАСИ, ТАРҚАЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ
ВА ЭКОЛОГИЯСИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Авазметова Интизор Ражапбоевна

Ўзбекистон шимоли-ғарбий қисми қуруқлик моллюскаларининг фаунаси, тарқалиш хусусиятлари ва экологияси..... 3

Авазметова Интизор Ражапбоевна

Фауна, распространение и экология наземных моллюсков на северо-западе Узбекистана..... 21

Avazmetova Intizor Rajapboyevna

Fauna, distribution and ecology of terrestrial mollusks in northwest Uzbekistan..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.В.20.04
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

АВАЗМЕТОВА ИНТИЗОР РАЖАПБОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН ШИМОЛИ-ҒАРБИЙ ҚИСМИ ҚУРУҚЛИК
МОЛЛЮСКАЛАРИНИНГ ФАУНАСИ, ТАРҚАЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ
ВА ЭКОЛОГИЯСИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/B508 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Хоразм Маъмун академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.karsu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Пазилов Абдуваент
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Боймурадов Хусниддин Тошболтаевич
биология фанлари доктори, профессор

Сейтназаров Сулайман Кутлымуратович
биология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Термиз давлат университети

Диссертация химояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.B.20.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «17» декабрь куни соат 08³⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1 уй. Университет мажлислар зали. Тел.: (+99861) 223-60-78, факс (+99861) 223-60-78, E-mail: karsu_info@edu.uz)

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№107-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1 уй, Тел.: (+99861) 223-60-78, факс (+99861) 223-60-78.

Диссертация автореферати 2022 йил «02» декабрь куни тарқатилди.
(2022 йил «02» декабрдаги №8-рақамли реестр баённомаси)



М.А.Жуманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор

М.К.Бегжанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.д., доцент

Я.И.Аметов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё миқёсида биохилма-хилликни сақлаш, экотизим барқарорлигини таъминлаш долзарб муаммолардан бири ҳисобланмоқда. Айниқса, антропоген омиллар таъсирида табиий экотизимларнинг кучли ўзлаштирилиши атроф-муҳитнинг ўзгаришига ва биологик хилма-хилликнинг йўқолишига, шунингдек, моллюскалар фаунаси хилма-хиллигининг камайишига сабаб бўлмоқда. Шунга қўра, табиий экотизимлар ўзгаришига учраган ҳудудларда қуруқлик моллюскалар популяцияларининг замонавий ҳолатини баҳолаш, камёб ва йўқолиб бораётган турларни муҳофаза қилиш ҳамда зарарли турларга қарши ўз вақтида кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда деградацияга учраган ҳудудлар малакофаунасига оид янги маълумотларга базасини шакллантириш, моллюскаларни фаунистик таҳлил қилиш, табиий ва антропоген биотопларда тарқалиши, зоогеографик таркиби, экологик хусусиятлари ва уларда борадиган ўзгарувчанлик жараёнларини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан, моллюскалар фаунасининг тур таркибини аниқлаш, ландшафтлар бўйича тақсимланиши ва зоогеографик тарқалишини асослаш, морфологик ўхшаш турларни молекуляр-генетик таҳлил қилиш ҳамда зарарли турлар популяцияларини бошқариш усулларини такомиллаштириш устувор йўналишларида илмий изланишлар олиб бориш зарур.

Республикамизда ҳайвонот олами биохилма-хиллигини сақлаш, ва ундан барқарор фойдаланишни таъминлаш, ҳайвонларнинг камёб ва йўқолиб бораётган турларини муҳофаза қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясида¹ “...биологик хилма-хилликни сақлаш ва ундан барқарор фойдаланишни таъминлаш, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни ривожлантириш ва кенгайтириш, табиий экологик тизимларнинг таназзулга учраш суръатларини пасайтириш, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг камёб ва йўқолиб бораётган турларини қайта тиклаш” вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон шимоли-ғарбий қисми малакофаунасини биохилма-хиллигини аниқлаш, уларнинг тарқалиш хусусиятлари ва экологиясини ўрганиш, эндемик, камёб ва муҳофазага муҳтож турларни сақлаб қолиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 19 сентябрдаги “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида” ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 ноябрдаги 914-сон “Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларининг давлат ҳисобини,

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 11 июндаги 484-сон қарори.

улардан фойдаланиш ҳажмлари ҳисобини ва давлат кадастрини юритиш тўғрисида” ги ва 2019 йил 11 июндаги 484-сон “2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қуруқлик моллюскаларнинг таксономик таркиби, биологияси, экологиясига оид тадқиқотлар узоқ хорижнинг етакчи олимлари J.Muller (2005), V.Rasomavicius (2007), J.Steffek (2008), M.Horsak (2008), K.Szybiak (2009), M.Marzec (2010), E.Kuznik-Kowalska (2011), M.Prockow (2012), F.J.Cadiz (2013) ишларида ўз ифодасини топган.

Яқин хориж мамлакатлари олимларидан А.Мухитдинов (1978), К.К.Увалиева (1990), И.М.Хохуткин (1996, 2004), С.С.Крамаренко (2001), Н.В.Гураль-Сверлова, В.М.Байчоров (2008), И.А.Балашёв (2006, 2011), Р.И.Гураль (2010, 2012), В.М.Коцур (2011), В.П.Рабчук (2011), А.Шилейко, Т.Рымжанов (2013) ва К.В.Земоглядчук (2011, 2012, 2015) ларнинг ишларида ҳам қуруқлик моллюскаларнинг систематикаси, экологияси, зоогеографияси ва ўзгарувчанлигига оид маълумотлар келтирилган.

Ўзбекистон малакофаунасини режали тарзда тадбиқ қилиш ўтган асрнинг 90 йилларидан бошланган бўлиб, А.Пазилов (1991, 1992, 2005), Д.Даминова (2002), А.Пазилов ва Д.Азимов (2003), А.Каримкулов (2011), Ф.Гаибназарова (2017), Ж.Қудратов (2018), Ш.Абдулазизова (2019), З.Махмуджонов (2021) лар томонидан қуруқлик моллюскаларнинг таксономик ва зоогеографик таркиби, биологияси, экологик хусусиятлари ва хўжалик аҳамиятига оид тадқиқотлар олиб борилган.

Бироқ, Марказий Осиё малакофаунасини ўрганиш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилганига қарамай, Ўзбекистон шимоли-ғарбий қисми қуруқлик моллюскаларининг фаунаси, тарқалиш хусусиятлари ва экологиясига оид маълумотлар умуман мавжуд эмас. Шунга кўра, Ўзбекистон шимоли-ғарбий қисмида тарқалган қуруқлик моллюскаларни комплекс тадқиқ қилиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Хоразм Маъмун академиясининг “2020-2025” йилларда илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятини оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар дастури” доирасида (2020-2022) бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон шимоли-ғарбий қисми қуруқлик моллюскаларининг тур таркибини аниқлаш, экологиясини асослаш, тарқалиш хусусиятларини очиб бериш ва зарарли турларига қарши кураш чораларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон шимоли-ғарбий қисми қуруқлик моллюскаларининг тур таркибини аниқлаш ва замонавий ҳолатини баҳолаш;

қуруқлик моллюскаларини зоогеографик таҳлил қилиш;

биотоплар бўйича тарқалишини ўрганиш;

экологик хусусиятларини очиб бериш;

кенг тарқалган турлардаги конхологик белгиларининг ўзгарувчанлигини аниқлаш;

конхологик жиҳатидан ўхшаш турларни молекуляр-генетик жиҳатидан таҳлил қилиш;

хўжалик аҳамиятига эга бўлган қуруқлик моллюскаларининг тур таркибини аниқлаш;

зарарли моллюскаларга қарши замонавий кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон шимоли-ғарбий қисми қуруқлик моллюскалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети қуруқлик моллюскаларининг таксономик таркиби, зоогеографияси, тарқалиши ва экологияси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда зоологик, экологик, морфометрик, статистик ва қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбий қисми ҳудудида қуруқлик моллюскаларининг 15 оила, 21 авлодга мансуб 45 тури аниқланган;

илк бор қуруқлик моллюскаларининг янги 1 тури (*Cochlicopa urgenchika*) дунё фаунаси учун ҳамда 7 тури (*Cochlicopa izzatullaevi*, *C. mukhitdinovi*, *C. pseudonitens*, *C. urgenchika*, *Vallonia asiatica*, *Pupilla bigranata*, *Macrochlamys clessini*) Ўзбекистон фаунаси учун аниқланган;

тадқиқот ҳудудидан Ўзбекистон учун адвентив тур ҳисобланган *Eobania vermiculata* тури илк бор қайд қилинган ва турларнинг тарқалиш ареаллари бўйича гуруҳланиши асосланган;

илк бор конхологик белгилари бир-бирига ўхшаш бўлган *M. turanica* ва *M. sogdiana* турларини рДНК ни 18S соҳасидаги нуклеотидлар кетма-кетлиги ўрганилган ва олинган натижалар асосида алоҳида тур эканлиги исботланган.

илк бор *M. turanica* ва *M. sogdiana* турларининг нуклеотидлар кетма-кетлиги солиштирилиб ўрганишдан олинган натижаларга асосланган ҳолда *Macrochlamys* авлодининг филогенетик шажараси тузилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбий қисми турли биотопларида тарқалган камёб ва йўқолиб кетиш ҳавфи остидаги қуруқлик моллюскалари турлари аниқланган ва муҳофаза қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

гельминт касалликларини тарқатишда оралик хўжайин ҳисобланган ва қишлоқ хўжалиги экинларига зарар келтирувчи қуруқлик моллюскаларига қарши кураш чоралари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган малакологик, зоологик, молекуляр-генетик усул ва ёндошувлар асосида олинган тажриба натижаларини назарий маълумотларга мос келиши, морфометрик маълумотларни “TIBCO Software Statistica 13.5” дастури асосида статистик таҳлил қилинганлиги, диссертация натижаларини етакчи хорижий журналларда чоп этилганлиги ҳамда ишлаб чиқилган тавсияларнинг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон шимоли-ғарбий қисми қуруқлик моллюскаларининг тур таркибини аниқланганлиги, ҳаётий шаклларига кўра экологик гуруҳланиши, биотопларда тарқалиши ва зоогеографияси тавсифланганлиги, конхологик ўзгарувчанлик сабабларини аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қуруқлик моллюскаларининг тур хилма-хиллигини аниқлаш учун қиёсий таҳлил ўтказишда ва турли биотопларда тарқалган популяциялар ҳолатини баҳолашда, химояга муҳтож турларни сақлаб қолишда ҳамда зарарли турларига қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқиш ва тарқалишининг олдини олишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон шимоли-ғарбий қисми қуруқлик моллюскаларининг фаунаси, тарқалиш хусусиятлари ва экологияси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Молекуляр генетик тадқиқотлар натижасида *Macrochlamys turanica* (Хива), *Macrochlamys turanica* (Фарғона), *Gibbulinopsis signata* (Балитов тепалиги), *Gibbulinopsis signata* (Бўкантов), *Gibbulinopsis signata* (Томдитов) турларининг рДНК 18S соҳаси нуклеотидлар кетма-кетлиги бўйича маълумотлар Биотехнологик ахборотлар Миллий маркази (NCBI) базасига жойлаштирилган (Биотехнологик ахборотлар Миллий марказининг (NCBI) 2022 йил 13 майдаги маълумотномаси). Натижада, *Macrochlamys turanica* (Хива) ON509676, *Macrochlamys turanica* (Фарғона) ON509675, *Gibbulinopsis signata* (Томдитов) ON584352, *Gibbulinopsis signata* (Бўкантов) ON584276, *Gibbulinopsis signata* (Балитов тепалиги) ON584384 турларининг идентификация рақамлари олинган ва моллюскаларнинг молекуляр - филогенетик ўрнини аниқлаш имконини берган;

қуруқлик моллюскаларининг иқтисодий зарари юқори бўлган *Xeropicta candacharica* ва *Candaharia aethiops* турларига қарши курашишда Agro-Prifos etil 48% препаратининг биологик самарадорлиги бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар “Хива Локомотив” истироҳат боғи ҳудудларида зарарли моллюскалар тарқалишини олдини олиш амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлигининг 2022 йил 21 июлдаги 2/4321-4041-сон маълумотномаси). Натижада, зарарли қуруқлик

моллюскаларига нисбатан 92% биологик самарадорликка эришилган ва мазкур ҳудуд ҳамда унинг атрофидаги майдонларда зарарли моллюскалар хавфининг олдини олиш имконини берган;

Ўзбекистон шимоли-ғарбий қисми ҳудудларида тарқалган куруқлик моллюскаларининг йўқолиб кетиш хавфи остидаги 4 турни Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритиш ва камёб турларни муҳофаза қилиш юзасидан ишлаб чиқилган тавсиялар Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси амалиётига жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2022 йил 8 сентябрдаги 01/18-2452-сон маълумотномаси). Натижада, антропоген таъсир кучли бўлган ҳудудларда ҳимояга муҳтож 4 та (*Cochlicopa mukhitdinovi* (Starobogatov, 1996), *Vallonia asiatica* (Nevil, 1878), *Macrochlamys clessini* (Westerlund, 1902), *Succinea putris* (Linnaeus, 1758)) турнинг популяциялар ҳолатини баҳолаш ва уларни кадастрини яратиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш нашр этилган. Шулардан, Ўзбекистон республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, бешта та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, мақсад ва вазифалари асосланган, объект ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республикамиз фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Марказий Осиё ва Ўзбекистонда куруқлик моллюскаларини ўрганишнинг асосий йўналишлари ва ўрганилганлик ҳолати”** деб номланган биринчи бобда куруқлик моллюскаларининг фаунаси, турли биогеоценозларда тарқалиши, зоогеографияси, ўзгарувчанлиги ва экологиясини ўрганишга оид олиб борилган илмий тадқиқот ишлари Марказий Осиё ва Ўзбекистонда моллюскаларнинг ўрганилишига оид адабиёт манбаларининг таҳлили келтирилган.

Г.Д.Энгельман (1978) нинг ва зоогеографик тавсифлашда Я.И.Старобогатов (1970) нинг усулларидан фойдаланилди.

Молекуляр-генетик тадқиқотлар Diatom DNA Prer фирмаси ва “Силекс М” (Россия, Москва) томонидан ишлаб чиқарилган реактив тўпламидан ДНК ажратишда фойдаланилди. Барча молекуляр-генетик тадқиқотлар ЎзР ФА Зоология институти “Молекуляр зоология” лабораториясида бажарилди.

Олинган маълумотларнинг математик-статистик таҳлили, BioStat 2008 Microsoft Excel 2007 дастурлари ёрдамида амалга оширилди.

Диссертациянинг “Ўзбекистон шимоли-ғарбий қисми қуруқлик моллюскаларининг фаунаси” деб номланган учинчи боби икки бўлимдан иборат бўлиб, бобнинг биринчи бўлимида тадқиқот олиб борилган ҳудудда тарқалган қуруқлик моллюскаларининг тур таркиби ва таксономик ҳолатига оид маълумотлар келтирилган.

Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбий қисми малакофаунасини ўрганиш борасида тадқиқотлар натижасида қуруқлик моллюскаларининг таксономик тузилиши аниқланди. Унга кўра, мазкур ҳудудда 15 оила, 21 авлодга мансуб 45 тур қуруқлик моллюскалари илк бор аниқланди (1-жадвал).


1-жадвал

Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбий қисми қуруқлик моллюскаларининг фаунистик спектери

№	Оила	Сони		% (авлодлар)	Турлар сони	%
		кичик оила	Авлод			
1	Cochlicopidae	-	1	4,76	7	15,90
2	Orculoidae	-	1	4,76	1	2,27
3	Valloniidae	-	1	4,76	4	9,09
4	Pupillidae	-	2	9,52	8	18,18
5	Vertiginidae	1	1	4,76	2	4,54
6	Tryncatellinidae	2	2	9,52	4	9,09
7	Enidae	2	2	9,52	3	6,81
8	Hygromiidae	1	2	9,52	3	6,81
9	Helicidae	1	1	4,76	1	2,27
10	Vitrinidae	-	1	4,76	1	2,27
11	Gastrodontidae	-	1	4,76	1	2,27
12	Agriolimacidae	-	1	4,76	3	6,81
13	Parmacellidae	-	1	4,76	1	2,27
14	Helicarionidae	-	1	4,76	3	6,81
15	Succinidae	-	3	14,29	3	6,81
Жами:		7	21	100	45	100

Ўзбекистон шимоли-ғарбий қисмининг турли худудларидан аниқланган қуруқлик моллюскалари оилаларининг авлодлар сони бўйича тақсимланишига кўра энг кўпи Succinidae оиласига мансубдир, у 3 авлод 14,29% ни, энг ками Cochlicopidae, Orculoidae, Valloniidae, Vertiginidae, Helicidae, Vitrinidae, Gastrodontidae, Agriolimacidae, Parmacellidae, Helicarionidae оилалари таркибига фақат биттадан авлод кириб, фоизга нисбатан 4,76% ни ташкил этди. Қолган 4 та Pupillidae, Tryncatellinidae, Enidae, Hygromiidae оилаларининг иккитадан авлодлари учраб, фоизга нисбатан 9,52% ни ташкил қилди. Моллюскалар оилаларининг кичик оилалар бўйича тақсимланганида Tryncatellinidae ва Enidae оиласига иккитадан кичик оилалар мансуб бўлиб, Vertiginidae, Hygromiidae ва Helicidae оилаларига биттадан кичик оилалар мансуб эканлиги ҳамда бошқа оилаларнинг кичик оилалари қайд этилмаганлиги аниқланди. Шунингдек, турлар хилма-хиллигини оилалар кесимида тақсимлаганимизда энг кўп Pupillidae оиласига мансуб 8 тур (18,18%) ва Cochlicopidae оиласига мансуб 7 тур (15,90%)ни ташкил қилди, қолган оила вакиллари эса 1-4 турни ўзига бирлаштирди ва турларга нисбатан фоиз кўрсаткичи 10% га паст бўлди.

Бобнинг иккинчи бўлими Ўзбекистон шимоли-ғарбий қисмида тарқалган қуруқлик моллюскаларининг зоогеографик таҳлиliga бағишланган. Бунда, ўрганилаётган худудда тарқалган 45 тур қуруқлик моллюскалари 6 та зоогеографик гуруҳдан ташкил топган: Палеарктика ва Голарктика турлари 14 та (31,11%), Европа турлари 9 та (20%), Тоғли Осиё турлари 4 та (8,88%), Ўрта Осиё турлари 13 та (28,88%), Олд-Осиё турлари 3 та (6,66%) ва Ўрта ер денгизи ҳавзаси турлари таркибига эса 2 та (4,44%) тур кириши аниқланди (2-расм).



2-расм. Ўзбекистон шимоли-ғарбий қисми қуруқлик моллюскаларининг зоогеографик таркиби


Изоҳ: I-Палеарктика ва Голарктика турлари; II-Европа турлари; III-Тоғли Осиё турлари; IV-Ўрта Осиё турлари; V-Олд Осиё турлари; VI-Ўрта ер денгизи ҳавзаси турлари.

Тадқиқот натижаларига кўра Палеарктика ва Голарктика зоогеографик гуруҳ вакиллари турлар сони ва уларнинг нисбий кўплиги жиҳатидан бошқа гуруҳларга нисбатан кескин фарқланиб, қуруқлик моллюскаларининг нисбий кўплиги 38,4% ни ташкил этди. Ўрта Осиё зоогеографик гуруҳи турлар (13 та) сонининг кўплиги жиҳатидан Европа гуруҳига нисбатан кўпчиликни ташкил қилсада, бироқ учраш даражаси нисбатан паст, яъни 16 % га тенг.

Тадқиқот ҳудудида энг кўп учрайдиган турларга Палеарктика ва Голарктика гуруҳ вакилларидан *D. laeve* (7,2%), *P. muscorum* (5,5%), *C. lubrica* (5,2%) ва Олд Осиё гуруҳ вакилларидан *X. candacharica* (5,1%) турлари киради. Энг кам учрайдиган турларга эса *C. izzatullaevi*, *C. mukhitdinovi* (Ўрта Осиё турлари), *Eobania vermiculata* (Ўрта ер денгизи ҳавзаси турлари) кириб, уларнинг учраш кўрсаткичи 0,2% ни ташкил қилди.

Диссертациянинг тўртинчи боби “**Ўзбекистон шимоли-ғарбий қисми қуруқлик моллюскаларининг тарқалиш хусусиятлари ва экологияси**” деб номланиб, тўртта бўлимдан иборат.

Бобнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон шимоли-ғарбий қисмининг табиий ва сунъий экотизимларида тарқалган қуруқлик моллюскалари 9 та биотоп кесимида таҳлил қилинди (3-расм).




3-расм. Ўзбекистон шимоли-ғарбий қисми қуруқлик моллюскаларининг биотоплар бўйича тақсимланиши

Келтирилган маълумотлардан маълумки, Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбий қисми ҳудудларининг турли биотопларида аниқланган қуруқлик

моллюскаларининг 11 тури (24,4%) мевали боғлардаги ариқ бўйларида ўсадиган ўтли ўсимликларда, 7 тури (15,5%) турли хил боғлардаги барг тўшамларида, 4 тури (8,9%) аҳоли томорқаларидаги беда плантацияларида, 3 тури (6,7%) полиз ва сабзовот экин майдонлари ҳамда иссиқхоналар атрофида, 10 тури (22,2%) истироҳат боғларида ариқ бўйларидаги турли хил ўтлар, 8 тури (17,8%) ўзлаштирилмаган майдонлардаги ажриқзорларда, 16 тури (35,5%) ярим бутали ўсимликлар ўсадиган ён бағирларда, 14 тури (31,1%) бутали ва ўтли ўсимликлар ўсадиган ён бағирлар ҳамда йирик тош уюмларида ва 12 тури (26,7%) булоқ ва вақтинчалик оқар сувларга яқин бўлган ажриқзорлар ҳамда тош уюмлари ҳудудларида тарқалган.

Ўзбекистон шимоли-ғарбий қисми қуруқлик моллюскаларининг тарқалиш зичлигини ўрганиш бўйича олинган натижаларга асосан *G. signata*, *D. laeve* ва *X. candacharica* турларининг зичлик даражаси юқори бўлиб, *X. candacharica* 1 м² майдонда 93,75 та учраб, ҳудуд малакофаунаси учун доминант тур ҳисобланса, *G. signata* 1 м² майдонда 30 та, *D. laeve* 27,5 та учраб субдоминантлик қилди, шунингдек, *Ps. albiplicatus*, *Ch. intumescens*, *Ps. sogdianus* ва *S. putris* турларининг зичлиги эса энг паст бўлиб, 1 м² майдонда 1,5 ёки 2 тадан учраб ҳудуд фаунаси учун рецедентлар ҳисобланади.

Бобнинг иккинчи бўлимида, қуруқлик моллюскаларининг экологик хусусиятлари келтирилган. Бунда аниқланган турларни экологик хусусиятларига кўра 5 та: гигрофил, мезофил, ксерофил, мезоксерофил ва криомезоксерофил гуруҳга ажратилган (4-расм).



4-расм. Ўзбекистон шимоли-ғарбий қисмида тарқалган қуруқлик моллюскаларининг экологик гуруҳлари

Изоҳ: Гф-гигрофил, Мф-мезофил, Кф-ксерофил, Мкф-мезоксерофил, Кмф-криомезоксерофил.

Олиб борилган экологик тадқиқот натижаларига кўра мезофил гуруҳига мансуб турлар сони нисбатан кўпчиликни ташкил қилиб, умумий турлар сонининг 20 тур (44,44%) ни ташкил қилади, гигрофил турлар 8 та (17,77%) ни, ксерофил турлар 7 та (15,15%) ни, мезоксерофил турлар 6 та (13,33%) ни

ташкил этса, криомезоксерофил гуруҳи вакиллари бошқа гуруҳларга нисбатан тур сони жиҳатидан кам бўлиб, 4 тур (8,88%) ни ташкил этади.

Мазкур бобнинг учинчи бўлимида, кенг тарқалган *C. nitens*, *G. signata* ва адвентив ҳисобланган *E. vermiculata* турларидаги конхологик белгиларининг ўзгарувчанлиги бўйича маълумотлар келтирилган.

Конхологик ўзгарувчанлик асосан чиғаноқ ранги, шакли, скульптураси, чиғаноқ оғиз тузилишида ва морфометрик ўлчамлари (чиғаноқ баландлиги; чиғаноқ кенглиги; чиғаноқ оғиз баландлиги; чиғаноқ оғиз кенглиги; охирги ўрамидан олдингисининг баландлиги) да намоён бўлиб, моллюскаларнинг яшаш муҳитига мослашишини ифодалайди. Ўрганилган конхологик белгилардан, чиғаноқ оғиз баландлиги нисбатан кучли ўзгарувчан ва кучли детерминлашган бўлиб, моллюскаларнинг атроф-муҳит шароитларига мослашишини аниқлайдиган экобиологик индикатор сифатида қараш мумкин. Масалан, Бўкантовда тарқалган *G. signata* нинг морфометрик белгиларининг ўзгарувчанлиги ўрганилганда қуйидагича бўлди (2-жадвал).

2-жадвал


Бўкантовда тарқалган *G. signata* нинг морфометрик белгиларнинг ўзгарувчанлиги

Чиғаноқ белгилари	Ўртача арифметик қиймат $\bar{X} \pm$	Вариация коэффиценти CV, %	Детерминация коэффиценти r^2
Чиғаноқ баландлиги	4,12±0.04	5,74	0,299
Чиғаноқ кенглиги	1,96±0.02	6,80	0,332
Чиғаноқ оғиз баландлиги	1,04±0.03	14,17	0,358
Чиғаноқ оғиз кенглиги	1,01±0.02	13,57	0,325
Охирги ўрамидан олдингисини баландлиги	1,55±0.02	6,96	0,318

Келтирилган таҳлил натижаларига кўра Бўкантов шароитида тарқалган қуруқлик моллюскаларининг чиғаноқ баландлигининг ўртача арифметик қиймати 4,12 мм ни ташкил қилган бўлса, минимал ва максимал қийматлар 3,70-4,60 мм ни ташкил этади. Чиғаноқ баландлигининг ўзгариш коэффиценти 5,74% ни ташкил қилиб, қабул қилинган классификацияга кўра чиғаноқ баландлиги камроқ ўзгарувчанликка эга эканлиги аниқланди. Бундай паст ўзгарувчанлик чиғаноқ кенглигида ҳам намоён бўлиб, унинг ўзгариши 6,80% ни ташкил этди. Чиғаноқ оғиз баландлиги ва кенглиги 14,17-

13,57% ни ташкил этиб, қабул қилинган классификацияга кўра ўртача ўзгарувчан бўлиб, бу эса атроф-муҳит омилларига боғлиқ бўлиши мумкин.


G. signata нинг ўрганилган белгилари (5-расм) орасида, чиғаноқ оғиз баландлиги (3) ва кенглиги (4), нисбатан кучли детерминлашган бўлиб, бу ўзгарувчанлик ташқи муҳитга кўпроқ боғлиқлигини билдиради. Чиғаноқ баландлиги (1), чиғаноқ кенглиги (2), охириги ўрамидан олдингиси (5) камроқ ўзгарувчан ва камроқ детерминлашган бўлиб, бу белгиларнинг ўзгарувчанлиги, генотипга боғлиқ бўлиши мумкин.



5-расм. Бўкантовда тарқалган *G. signata* чиғаноқ белгиларининг ўзгарувчанлик (Cv,%) ва детерминлашганлиги (r²).

Изоҳ. Белги ёнидаги рақам: 1-чиғаноқ баландлиги; 2-чиғаноқ кенглиги; 3-чиғаноқ оғиз баландлиги; 4-чиғаноқ оғиз кенглиги; 5- охириги ўрамидан олдингиси.


Мазкур бобнинг тўртинчи бўлимида конхологик белгилари бир-бирига ўхшаш бўлган иккита популяцияда - Хива ва Фарғонада тарқалган *Macrochlamys turanica*, ҳамда Урганч ва Бўкантовда тарқалган *Macrochlamys sogdiana* турларини рДНК ни 18S соҳасидаги нуклеотидлар кетма-кетлиги амплификация қилиниб, ПЗР маҳсулотлари гелъэлектрофорез усулида текширилди (6-расм).



6-расм. Моллюскаларни рДНК 18S генининг гелъдаги электрофорези

Изоҳ: М-маркер, 1 - *M. turanica* (Хива); 2 - *M. turanica* (Фарғона); 3- *M. sogdiana* (Урганч); 4 - *M. sogdiana* (Бўкантов); Н - назорат (H₂O).


M. turanica нинг Хива ва Фарғона популяцияларидаги моллюскаларининг нуклеотидлари ўртасида 3 та нуклеотид фарқланишлар бўлиб, бу фарқлар 400 нуклеотидда Хива популяциясида G-ўрнига, Фарғона популяциясида эса C-цитозин, 401 нуклеотидда A-аденин ўрнига G-гуанин ҳамда 446 нуклеотидда C-цитозин ўрнига G-гуанин нуклеотидлари алмашганлиги билан изоҳланди ва популяцияларининг нуклеотидлари ўртасидаги умумий фарқланиш 0,5% ни ташкил қилиб, қисман ўзгарувчанликка эга бўлган бир тур бўлиб ҳисобланади (7-расм).



7-расм. Икки хил популяцияда тарқалган *M. turanica* ва халқаро ГенБанк базасидан олинган *X. candacharica* (MF398539) турларининг рДНК 18S соҳаси фрагментлари (5' дан 3'–охирги учга томон йўналишда)

Конхологик жихатидан ўхшаш бўлган *M. turanica* ва *M. sogdiana* турларининг нуклеотидлар кетма-кетлиги солиштирилиб ўрганилганда 8 та нуклеотидлар ўртасида фарқланишлар аниқланиб, бу фарқланишлар 174, 227, 631 чи нуклеотидларда, Т-тимин ўрнига С-цитозин, 236, 241, 280, 630 чи нуклеотидларда, С-цитозин ўрнига Т-тимин, ҳамда 497 нуклеотидда эса Т-тимин ўрнига А-аденин нуклеотидлари алмашганлиги қайд қилиниб, умумий нуклеотидлар ўртасидаги фарқланиш 1,1 % ни ташкил қилганлиги аниқланди

ва улар конхологик жиҳатидан бир-бирига ўхшаш бўлган иккита алоҳида тур эканлиги исботланди. Турли хил популяцияда тарқалган *M. turanica* ва *M. sogdiana* турларининг нуклеотидлар кетма-кетлиги солиштирилиб ўрганишдан олинган натижаларни халқаро ГенБанк базасидаги *M. tersa* (МК 851475) ва *M. indica* (KU 365381) га оид маълумотларга асосланган ҳолда *Macrochlamys* авлодининг филогенетик шажараси тузилди (8-расм).



8-расм. *Macrochlamys* авлодининг филогенетик шажараси

Диссертациянинг “Хўжалик аҳамиятига эга бўлган турлар таркиби ва уларга қарши кураш чора-тадбирлари” деб номланган бешинчи боби икки бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлимида хўжалик аҳамиятига эга бўлган қуруқлик моллюскаларининг тур таркиби ва аҳамиятига оид маълумотлар келтириб ўтилган.

Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбий қисмида учрайдиган 45 турдаги қуруқлик моллюскаларидан 27 таси у ёки бу даражада хўжалик аҳамиятига эга бўлиб, шулардан, 14 тури гельминтоз касалликларини тарқатишда оралик хўжайин вазифасини ўтаса, 11 тури ҳам оралик хўжайин ҳам ўсимликлар зараркунандаси ҳисобланади. Қолган 2 тури эса фақат ўсимликларга зарар етказди.

Тадқиқотлар давомида *C. nitens*, *C. lubrica*, *V. costata*, *P. muscorum*, *X. candacharica*, *D. laeve* турларининг текислик биотопларида гельминт личинкалари билан зарарланиш даражаси ўрганилиб, улар турлича бўлиши аниқланди. Масалан, Хоразм вилояти, Хозарасп тумани мевали боғларнинг ариқ бўйларидаги ўтлар орасида яшайдиган *C. nitens* турининг инвазия экстенсивлиги 4,54%, ўзлаштирилмаган майдонлардаги ажриқзорларда бу

кўрсаткич 8,18% бўлса, худди шундай биотопларда Қорақалпоғистон Республикаси, Чимбой туманида эса 10,90% - 12,72% ни ташкил қилди. Максимал инвазияланиш *X. candacharica* турида қайд қилиниб, 17,27% ни ташкил этди.

Қуруқлик моллюскаларининг гельминт личинкалари билан инвазияланиш даражасининг юқори бўлиши, биотоп хусусияти ва унинг микроклимидан келиб чиқиб, моллюскаларнинг тарқалиши ва популяциядаги зичлигига боғлиқ бўлиб, популяцияда зичлик қанча юқори бўлса, моллюскаларнинг гельминт личинкалари билан инвазияланиш даражаси ҳам шунча юқори бўлиши аниқланди.

Қуруқлик моллюскалари ўсимликхўр полифаг хайвонлар бўлиб, ўсимликларнинг кенг қопламига катта зарар етказди.

Биз томонимиздан қуруқлик моллюскаларининг “Хива Локомотив” истироҳат боғидаги ўсимлик қопламига ва хўжаликлардаги беда плантацияларига етказган зарари ўрганилганда, истироҳат боғида қуруқлик моллюскаларининг 5 тури тарқалганлиги аниқланди ва ўсимлик қоплами асосан *X. candacharica* ва *C. aethiops* томонидан маълум бир даражада зарарланганлиги қайд қилинди. Истироҳат боғидаги ўсимлик қопламининг моллюскалар томонидан шикастланиш даражаси мавсумий характерга эга бўлиб, асосан апрель, май ойларида юқори бўлиши моллюскаларнинг популяциядаги зичлигига боғлиқ ҳолда кечади.

Мазкур бобнинг иккинчи бўлими зарарли моллюскаларга қарши кураш чора-тадбирларига бағишланган бўлиб, қуруқлик моллюскаларининг ўсимликлар, жумладан, қишлоқ хўжалик экинларига келтирадиган зарари ва уларга қарши кураш усуллари Ўзбекистонда умуман ўрганилмаган бўлиб, мавжуд маълумотлар фрагментар характерга эга. Шунинг учун, биз томонимиздан “Хива Локомотив” истироҳат боғида тарқалган *C. aethiops* ва *X. candacharica* турларининг популяциядаги сонини назорат қилиш ва уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш мақсадида PestKil фипронил 5% сус.конц; Элнур-Д хлорпирифос 500 г.л. циперметрин 50 г.л. эм.к; Agro-pirifos хлорпирифос 48% эм.к.; ва Гроза метальалдегид 60 гр. кг инсектицидлар илк маротаба синаб кўрилди. Синалган кимёвий препаратлардан Agro-Prifos etil 48% препарати бошқа кимёвий препаратларга нисбатан юқори самара бериши аниқланди ва уни қуруқлик моллюскаларга қарши курашишда фойдаланиш тавсия этилди. Тадқиқот натижаларига кўра зарарқунанда моллюскаларга қарши кураш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

ХУЛОСАЛАР

“Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбий қисми қуруқлик моллюскаларининг фаунаси, тарқалиш хусусиятлари ва экологияси” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Илк бор Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбий қисми ҳудудида қуруқлик моллюскаларининг фаунаси 15 оила, 21 авлодга мансуб 45 турдан иборат

эканлиги аниқланди. Шулардан, *Cochlicopa urgenchika* тури фан учун, *Cochlicopa izzatullaevi*, *C. mukhitdinovi*, *C. pseudonitens*, *C. urgenchika*, *V. asiatica*, *P. bigranata*, *M. clessini* турлари Ўзбекистон малакофаунаси учун илк бор қайд этилди.

2. Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбий қисми қуруқлик моллюскалари географик тарқалиш ареаллари бўйича 6 та зоогеографик гуруҳга мансуб: Палеарктика ва Голарктика турлари 14 та, Европа турлари 9 та, Тоғли Осиё турлари 4 та, Ўрта Осиё турлари 13 та, Олд-Осиё турлари 3 та ва Ўрта ер денгизи ҳавзаси турлари таркиби 2 та.

3. Аниқланган 45 тур қуруқлик моллюскаларининг турли биотоплар бўйича тарқалганлиги таҳлил қилиниб, текисликдаги 6 та биотопда 17 та, қолдиқ тоғлардаги 3 та биотопда 28 та тур тарқалганлиги маълум бўлди.

4. Қуруқлик моллюскаларининг экологик хусусиятларига қараб, гигрофил, мезофил, ксерофил, мезоксерофил, криомезоксерофил гуруҳларига ажратилди ва уларнинг турлар салмоғи кўрсатиб ўтилди.

5. *Cochlicopa nitens*, *Gibbulinopsis signata* ва Ўзбекистон ҳудуди учун адвентив ҳисобланган *Eobania vermiculata* нинг конхологик белгиларининг ўзгарувчанлиги чиғаноқ шакли, ўлчами, ранги ва чиғаноқ оғиз структурасида намоён бўлиб, чиғаноқ оғиз баландлиги, бошқа белгиларга нисбатан кучли ўзгарувчан ва кучли детерминлашганлиги аниқланди.

6. Конхологик белгилари бир-бирига ўхшаш бўлган иккита популяцияда - Хива ва Фарғонада тарқалган *Macrochlamys turanica*, ҳамда Урганч ва Бўкантовда тарқалган *Macrochlamys sogdiana* турларини рДНК ни 18S соҳасидаги нуклеотидлар кетма-кетлиги ўрганилиб, *M. turanica* нинг нуклеотидлари кетма-кетлиги ўртасидаги умумий фарқланиш 0,5% ни ташкил қилиб, қисман ўзгарувчанлика эга бўлган бир тур бўлиб ҳисобланса, *M. sogdiana* нинг нуклеотидлар кетма-кетлиги ўртасида фарқланишлар қайд қилинмади ва улар ўртасида кетма-кетликлар 100% ўхшашлиги аниқланди.

7. Учта популяцияда-Бўкантов, Томдитов ва Балитов тепалигида конхологик белгилари бир-бирига ўхшаш бўлган *G. signata* турининг рДНК ни 18S соҳасидаги нуклеотидлар кетма-кетлиги ўрганилиб, *G. signata* нинг нуклеотидлари кетма-кетлиги ўртасидаги умумий фарқланиш 0,3% ни ташкил қилиб, қисман ўзгарувчанлика эга бўлган бир тур эканлиги аниқланди.

8. Ўзбекистон шимоли-ғарбий қисмида қуруқлик моллюскаларидан 27 тури хўжалик аҳамиятига эга бўлиб, шулардан, 14 тури гельминтоз касалликларни тарқатишда оралик хўжайин вазифасини ўтаса, 11 тури- оралик хўжайин ва ўсимликлар зараркунандаси ҳисобланса, 2 таси фақат ўсимликларга зарар етказиши аниқланиб, гельминт касалликларни тарқатишда оралик хўжайин ва қишлоқ хўжалик экинларига зарар келтирувчи қуруқлик моллюскаларга қарши кураш чора - тадбирлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.В.20.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ КАРАКАЛПОКСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ХОРЕЗМСКАЯ АКАДЕМИЯ МАЪМУНА

АВАЗМЕТОВА ИНТИЗОР РАЖАПБОВНА

**ФАУНА, РАСПРОСТРАНЕНИЕ И ЭКОЛОГИЯ НАЗЕМНЫХ
МОЛЛЮСКОВ СЕВЕРО-ЗАПАДА УЗБЕКИСТАНА**

03.00.06 – Зоология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Нукус - 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2020.4.PhD/В508.

Диссертация выполнена в Хорезмской академии Маъмуна.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.karsu.uz) и в Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Пазиллов Абдуваент

доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Боймурадов Хусниддин Тошболтаевич

доктор биологических наук, профессор

Сейтназаров Сулайман Кутлымуратович

кандидат биологических наук, доцент

Ведущая организация:

Термизский государственный университет

Защита диссертации состоится «17» декабря 2022 г. в 08³⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.В.20.04 при Каракалпакском государственном университете. (Адрес: 230112, г. Нукус, ул. Ч.Абдирова, дом 1. Зал заседаний Каракалпакского государственного университета. Тел.: (+99861) 223-60-78, факс (+99861) 223-60-78, E-mail: karsu_info@edu.uz)

С диссертации можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каракалпакского государственного университета (зарегистрировано за №107). Адрес: 230112, г. Нукус, ул. Ч.Абдирова, дом 1. Тел.: (+99861) 223-60-78.

Автореферат диссертации разослан «02» декабря 2022 года.
(реестр протокола рассылки №8 от «02» декабря 2022 года)



М.А.Жуманов

Председатель Научного совета
по присуждению ученых
степеней, д.б.н., профессор

М.К.Бегжанов

Ученый секретарь Научного
Совета по присуждению
ученых степеней, д.ф.б.н.,
доцент

Я.И.Аметов

Председатель Научного
семинара при Научном совете
по присуждению ученых
степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мировом масштабе сохранение биоразнообразия и обеспечение устойчивости экосистем является одной из актуальных задач. Особенно, сильное освоения природных экосистем под воздействием антропогенных факторов становится причиной изменения окружающей среды и исчезновению биологического разнообразия, а также уменьшению разнообразия фауны моллюсков. Следовательно, оценка современного состояния популяций наземных моллюсков на территориях с изменёнными естественными экосистемами, охрана редких и исчезающих видов, своевременная разработка мероприятий против вредносных видов имеет важное значение.

В мире ведутся научные исследования по формированию новой базы данных малакофауны деградированных территорий, фаунистическому анализу моллюсков, их распространению в природных и антропогенных биотопах, зоогеографическому составу, экологических особенностей и определению процессов изменчивости в них. В связи с этим, требуется проведение научных исследований по таким приоритетным направлениям, как определение видового состава фауны моллюсков, обоснования их распределения по ландшафтам и зоогеографического распространения, проведение молекулярно-генетического анализа морфологически сходных видов, а также усовершенствованию методов управления популяциями вредноносных видов.

В нашей республике уделяется особое внимание разработке мероприятий по сохранению биоразнообразия животного мира, и обеспечению рационального их использования, охране редких и исчезающих видов животных. В частности, в Стратегии сохранения биологического разнообразия в Республике Узбекистан на 2019-2028 годы определены задачи ²«...обеспечении сохранения и устойчивое использование биологического разнообразия, развитие и расширение охраняемых природных территорий, снижение показателя деградации природных экологических систем, редких и исчезающих животных и растений определены задачи восстановления исчезающих видов». Исходя из этих задач, определение биоразнообразия малакофауны северо-западной части Узбекистана, изучение особенностей их распространения и экологии, разработка мероприятий по сохранению эндемичных, редких и охраняемых видов имеет важное научное и практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач закона Республики Узбекистан «Об охране и использовании животного мира» от 19 сентября 2016 года, Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан № 914 «О государственном

² Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан № 484 от 11 июня 2019 года «Об утверждении Стратегии сохранения биологического разнообразия в Республике Узбекистан на период 2019-2028 годы».

учете объектов животного и растительного мира, учете объемов их использования и государственного кадастра” от 7 ноября 2018 года, и № 484 “Об утверждении Стратегии сохранения биологического разнообразия в Республике Узбекистан на период 2019-2028 годы” от 11 июня 2019 года, а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и техники республики V. “Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды”.

Уровень изученности проблемы. Исследования по таксономическому составу, биологии, экологии наземных моллюсков отражены в работах ведущих ученых, таких как J.Muller (2005), V.Rasomavicius (2007), J.Steffek (2008), M.Horsak (2008), K.Szybiak (2009), M.Marzec (2010), E.Kuznik-Kowalska (2011), M.Prockow (2012), F.J.Cadiz (2013).

В работах учёных ближнего зарубежья А.Мухитдинова (1978), К.К.Увалиевой (1990), И.М.Хохуткина (1996, 2004), С.С.Крамаренко (2001), И.А.Балашева (2006, 2011), В.Гураль-Сверловой, В.М.Байчорова (2008), Р.И.Гураль (2010, 2012), В.М.Коцур (2011), В.П.Рабчука (2011), А.Шилейко, Т.Рымжанова (2013), К.В.Земоглядчук (2011, 2012, 2015) представлены сведения по систематике, экологии, зоогеографии и изменчивости наземных моллюсков.

Плановое внедрение малакофауны Узбекистана начиналось в 90-х годах прошлого века, и А.Пазиловым (1991, 1992, 2005), Д. Даминовой (2002), А.Пазиловым и Д.Азимовым (2003), А.Каримкулов (2011), Ф.Гаибназаровой (2017), Ж.Кудратовым (2018), Ш.Абдулазизовой (2019), З.Махмуджоновым (2021) проводились исследования по таксономическому и зоогеографическому составу, биологии, экологических особенностях и о хозяйственном значении наземных моллюсков.

Однако, несмотря на большое количество исследований по изучению малакофауны Средней Азии, отсутствуют сведения о фауне, особенностях распространения и экологии наземных моллюсков северо-западной части Узбекистана. Поэтому, комплексное исследование наземных моллюсков, распространенных на северо-западной части Узбекистана, имеет большое научно-практическое значение.

